Пойтахтимизнинг БИР КУНИ

Дўстлигимиз тароналари

Меҳнат рапортлари

БУГУН ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

Оқ йўл, ёшлар!

Меҳнаткашлар хатлари асосида

Оламда нима гап?


Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши

2 ИЮЛЬ, 1969 й.
ЧОРШАНБА
№ 154 (918).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Коммунистик меҳнат зарбдори фрезерчи Иван Чуфистов «Ташхимсельмаш» заводи асбобсозлик цехининг энг моҳир рационализаторларидан бири. 22 йилдан буён шу корхонада баракали меҳнат қилаётган бу ишчи шу давр мобайнида ишлаб чиқаришга ўзининг анчагина фойдали таклифларини жорий этди.

СУРАТДА: И. Чуфистов.

М. Нуриддинов фотоси.



Сиз суратда кўриб турган Мутал Ғуломов «Подшипник» заводида 25 йилдан буён меҳнат қилиб келмоқда. У ҳозир йиғув-механика цехининг малакали созловчиларидан биридир. Коммунист М. Ғуломов Тошкент область партия комитетининг аъзоси сифатида ўзига берилган топшириқларни бажариб келмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

● ҚИШЛОҚ— ШАҲАРГА

Қардошлар дастурхонига

Калинин районидаги «Дамачи» совхози соҳибкорлари дастлабки эртаги ҳосилни узишга киришдилар. Ўтган якшанба куни боғбонлар 12 тонна олма узиб, пойтахтимиз аҳолисини хушнуд қилишган эди.

Бугун

30 тоннадан ортиқ олма РСФСРнинг йирик саноат марказлари меҳнаткашларига жўнатилди.

В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИ МОНГОЛ ТИЛИДА

УЗБЕКИСТОНДА
МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ
1969

Монголия Халқ Республикаси меҳнаткашлари ҳар йили Ленининг янги асарларини ўз она тилларида ўқийдилар. 1967 йили доҳий асарларининг 35 томлиги тўла нашр этилди.

Шу кунларда эса «В. И. Ленин ҳақида эсдаликлар» деган катта китоб нашрга тайёрланяпти. Шунингдек, Ильичнинг «Идеология ишлари ҳақида», «Монголия ва Шарқ халқлари», «Догматизм — тор доирадаги кишиларнинг душманларидир», «Ўнг опортунистларга қарши кураш», «Партиявий ташкилий ишлар ҳақида» каби асарлари нашр этилиш арафасида.

Монголиялик олимлардан Г. Очирбатанинг «Монголия Халқ Республикаси Ленин йўлида», Б. Ширендибанинг «Ленин ва Монголия» ҳамда шоир Ц. Гайтавнинг «Ленин поэмаси» ва доҳийга бағишланган бошқа асарлар тўплами босмага тайёрланяпти.

Монголия Халқ Республикаси рассомлари В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига бағишлаб, хилма-хил асарлар яратишди.

Бизнинг интервью

ТОШКЕНТ—ЖОНАЖОН ШАҲРИМИЗ

ГАНБАТОР,
Улан-Батордаги опера ва балет театрининг солисти.



Шу кунларда серқуёш днёрингизда республикамиз Кунлари давом этаётир. Ўзбек қардошлар ҳар жойда ўзларининг меҳмондўстликларини намойиш этмоқдалар. Буни биз Ўзбекистоннинг қаерида бўлмайлик, кўриб ва билиб турибмиз.

Мен учун Тошкент — жонажон шаҳардир. Гўзал шаҳарнинг хореография билим юртида олти йил таълим олганман. Бу ерда билим олган чоғимда ўзбек балетининг ноёб дурдоналаридан ўрганганман. Менда айниқса ўзбек халқининг нафис рақсларидан бири — «Андижон полкаси»—катта таассурот қолдирган. Бу ажойиб ўйинни репертуаримга киритганман. Катта санъатни эгаллашимда менга устозлик қилган ўзбек раққосаларига яна бир бор таъзим қиламан.

СУРАТДА: бир группа монголиялик меҳмонлар пионерлар ҳузурида.

И. Душкин ва М. Баржанов фотоси.
ЎзТАГ фотохроникаси.

ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИДА

КОММУНИЗМ ИШИГА СОДИҚМИЗ

— Коммунистлар халқаро форуми чақирилишининг ўзи марксизм-ленинизм позициясини изчиллик билан ҳимоя қилаётган қардош партиялар сиёсий йўлининг галабасидир,— деди коча Куйбишев район партия активи йиғилишида «Коммунистик» ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг якунлари тўғрисида» доклад қилган Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. К. ЗИЁДУЛЛАЕВ.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми партиямиз ва халқимизнинг фикрини ифодалаб, коммунистларнинг халқаро форуми империализмга қарши курашни барча прогрессив, демократик кучлар ҳаракати бирлиги негизида янада кенгайтиришга жуда катта таъсир қилади, деб таъкидлади.

Халқлар дўстлиги ва жипслиги империализм йўлидаги бузилмас тўсиқдир. Шу сабабли меҳнаткашларни интернационализм руҳида, Совет Иттифоқидаги барча халқлар, биринчи навбатда улуғ рус халқига муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳар бир партия ташкилотининг биринчи даражали вазифасидир.

Актив йиғилишда нефтни қайта ишлаш Урта Осиё илмий текшириш институтининг директори Султонов, экскаватор заводи слесари Докукин, 64-мактаб директори Авакумова, Тошкент Олий партия мактабининг директори Орипов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

* * *

Бугун эрталаб бўлиб ўтган Октябрь район партия активи йиғилишида ҳам юқоридаги масала муҳокама қилинди. «КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми якунлари тўғрисида» шаҳар партия комитетининг секретари В. В. ОКУНСКИЙ доклад қилди.

ШАҲРИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

300 СОАТ ЛЕКЦИЯ

Кеча

РЕСПУБЛИКА «БИЛИМЛАР УЙИ»ДА В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ И Н Г ДОЦЕНТИ Ж. ҲОЖИЕВ МАМЛАКАТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИЛАР УЧУН МАТЕМАТИКА ФАНИДАН БИРИНЧИ УМУМИЙ ЛЕКЦИЯ УҚИДИ. Шу билан бу ерда пойтахт олий ўқув юртларининг маъмуриятлари билан ҳамкорликда ташкил қилинган обзор лекцияларни ўқиш бошланди.

Бўлажак студентлар июль ойи давомида математика, физика, химия, адабиёт, тарих ва чет тили фанларидан ҳаммаси бўлиб 300 соат лекция тинглайдилар.

БИЛИМ ҚУЧОҒИГА

В. И. Ленин номли Давлат университетининг бир йиллик тайёрлов курсида ўқиган Вьетнам Демократик Республикасидан келган 150 студент сўнгги имтиҳонни муваффақиятли топширди.

Вьетнамлик ёшлардан бир группаси Москва, Ленинград, Киев ва Минск олий ўқув юртларида билим олишади.

● ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИГА МЕҲНАТ РАПОРТЛАРИ

Қўшимча мажбурият бажарилди

Шаҳар маҳаллий саноат бошқармасига қарашли «Дўстлик» посёлкасидаги 2-тикувчилик фабрикасининг коллективи беш йиллигининг тўртинчи йили топшириқларини муддатидан илгари адо этиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

Бу корхона коллективи ярим йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини муддатидан ўн кун илгари адо этиб тежалган кунларда 150 минг сўмлик кийим-кечак реализация қилиш бўйича қўшимча мажбурият олган эди.

Бугун

корхона коллективи олган мажбуриятларини шараф билан бажарганини маҳаллий саноат бошқармасига маълум қилди. Барча цехларда ленинча меҳнат вахтаси давом этмоқда.



«Средазэнергоцветмет» корхонаси қозон-механика цехининг коллективи Олмалиқ химия заводининг кўпгина буюртмаларини бажармоқда.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) корхонанинг илғор асбобсоз ишчиларидан бригада бошлиғи В. Лазарев, электр пайвандчи М. Шукуров ва Ф. Каримов ўртоқлар смена ишини бошлаш олдидан ўзаро суҳбатлашиб олмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

● ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

Раҳмат, қардошлар!

Украинанинг Киев-1 қурилиш-монтаж поезди пойтахтимизнинг Марказ-7 микрорайонида энг сўнгги уйни фойдаланишга топширди. Марказий универсал магазинининг орқа томонида қурилган тўққиз қаватли бинонинг шинам квартираларида истиқомат қиладиган 198 хонадоннинг кўпчилик қисми янги квартиралар калитини олди. Улар бирин-кетин кўчиб киришмоқда.

Рапорт беришди

«Главташкентстрой»га қарашли 7-трестнинг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи июнь ойи планини муддатидан олдин бажарди. Бир ойда планга қўшимча 17 минг сўм ўзлаштирилди. Пландаги беш объект ўрнига олтита объектда ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди.

Социалистик мусобақада Л. Карадукас, А. Турапин, Д. Гогас ўртоқлар бошлиқ бригадалар олдинда бормоқда.

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ

«Тикувчилик саноатида ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишнинг асосий роллари».

Тошкентдаги модалар уйида Урта Осиё республикаларидаги тикувчилик саноат корхоналари ходимларининг ана шу темага бағишланган илмий-техника конференцияси кеча ўз ишини тамомлади.

Конференция икки кун давом этди.

«Яқин (1971—1975) йилларда тикувчилик саноатининг ривожланиш перспективалари» деган темадаги биринчи доклад, шунингдек, Узбекистон тикувчилик саноати ва унинг тараққиётидаги асосий йўналишлар: СССР тикувчилик саноати техника даражасининг анализи, жаҳон миқёсида тутган ўрни ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари; Тикувчилик саноатида материаллардан рационал фойдаланишнинг асосий резервлари тўғрисидаги докладлар илмий-техника конференция қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Илмий-техника конференция қатнашчиларн пойтахтдаги «Юлдуз», «Қизил тонг» каби йирик тикувчилик саноат корхоналарига экскурсиялар уюштирдилар.

Бугун

● ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

«САМАРҚАНД» ЧОЙХОНАСИ

Ўзбекистон Давлат лойиҳа институтининг лойиҳачи-инжене р л а ри томонидан лойиҳаси тузилган қанчадан-қанча маъмурий, маданий-маиший, турар-жой бинолари республикамиз шаҳарларига янгича чирой бағишлаяпти.

Бугун

меъморларимиз шаҳарда қуриладиган янги катта «Самарқанд» чойхонаси лойиҳасини тугатиб қурувчиларга топширишди.

Бу улкан бинонинг бошқа бинолар билан бир хил бўлиб қолмаслиги учун кўп меҳнат сарфланди. Бу муҳташам бино «Самарқанд дарвоза» кўчасида барпо қилинади. Бино ўртасидаги кўркам зал қубба ҳолда беркитиладиган бўлиб, ички қисмида чойхона. Ўзбек миллий таомлари тайёрланадиган ошхона, меҳмонлар учун айрим хоналар ташкил этилади. Архитекторлар бинони планлаштириш ва бадиий безашга катта аҳамият беришди. Бинонинг ташқи кўринишида ўзбек миллий архитектураси услублари кенг кўламда фойдаланилади. Деворларда Тошкент ва Самарқанд шаҳри кўринишларини акс эттирувчи расмлар, керамика панолари ва мармар тошлар қўлланиши назарда тутилади.

Бинонинг ҳовли қисмида эса гулзорлар қилиниб, катта фавворалар ўрнатилади. «Самарқанд» чойхонаси пойтахтимиз меҳнаткашларининг энг яхши дам оладиган жойларига айланади.

Бу кўркам иншоот лойиҳасини Ҳамза мукофотининг лауреати архитектор С. Сутягин, лойиҳачи-инженерлардан А. Брословский ва В. Тенлар ҳамкорликда яратишди.

● АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

КВАРТАЛДА ЯНГИ МАГАЗИН

Савдо ходимлари пойтахтнинг энг гавжум Чилонзор райони аҳолисига яна бир қулайлик яратиб беришди. Олтинчи кварталда «Ташхозкультторг»нинг уй-рўзғор ва электр моллари магазини ишлай бошлади.

Бугун

магазин прилавкаларига турли маркадаги тикув машиналари, холодильниклар ва Гусь-Хрусталь шаҳрида тайёрланган хилма-хил шиша идишлар чиқарилди.

Илгари 5, 6, 8 ва 9-квартал аҳолиси арзимаган уй-рўзғор буюми учун ҳам Савдо марказига қатнар эдилар. Янги магазин ишга туширилиши билан улар бу машаққатдан қутилишди.

● ЎЗ ЎТАДИ СОЗ

Лагерлар чорлайди

Ҳамза райони мактабларининг кўпчилик пионерлари ёзни мароқли ўтказишяпти. Улар шаҳардаги корхоналарнинг оталиқ пионер лагерларида ҳамда шаҳар ташқарисидаги 8 та оромгоҳ жойларда дам олишяпти.

Бугун

иккинчи сменада дам оладиган 1200 пионер «Оқтош», «Гулистон», «Пионер Востока», «Спутник», «Ўртаовул», «Юбилей» пионер лагерларига жўнаб кетишди.

Эртага Чимён этакларидаги Бурчмулла дарасида қизил галстукларнинг гулханлари ёна бошлайди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

СЕУЛДА НАМОЙИШ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). «Президент» Пак Чжон Хи ҳокимият тепасида учинчи тўрт йиллик муддатга қолиш ниятида эканлигига қарши студентларнинг Сеулда бошланган норозилик намойишлари икки кундан бери давом этаётир. Конституцияга мувофиқ президент сурункасига икки мухлатдан зиёд сайланиши мумкин эмас. Ғарб агентликлари мухбирларининг Сеулдан хабар беришларига кўра, Пак Чжон Хи конституцияга шундай тузатиш киритиш ниятидаки, бунинг натижасида бояги қонда бекор бўлиб кетади. ЮПИ агентлигининг Сеулдаги мухбири хабар беришича, намойишчиларни бостириш учун катта-катта полиция кучлари ташланган. Студентлар билан полициячилар ўртасида кўпдан-кўп тўқнашувлар рўй бермоқда.

АЛЯСКАДА ЁНҒИНЛАР

НЬЮ-ЙОРК. 1 июль. (ТАСС). Аляскадаги 283 минг гектар ўрмон ва тундра ловуллаб ёниб турибди. Бу ерда истиқомат қилувчи кексалар шу ёзда бошланган сингари ёнғинларни бундан аввал кўришмаган. Фэрбенис шаҳридан 250 километр ғарбдаги Эврика қишлоғи ёнида айниқса кучли ёнғин бўлмоқда.

Кейинги ой мобайнида Аляскада атиги бир марта ёмғир шивалаб ўтди.



Мицубиси япон компанияси 100/75 мм. ясси экранли янги телевизорларни ишлаб чиқара бошлади. Яқин уч йил ичида бундай телевизорлар савдога чиқарилади.

АФП—ТАСС фотоси.

● *Сўз — корхона раҳбарларига*

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Шу йилнинг биринчи кварталида механизаторлар учун жуда оғир бўлди. Очиғини айтиш лозим, одамлар ҳам, қурилиш техникаси ҳам бунчалик совуққа тайёргарлик кўрмаган, уни мутлақо кутмаган эди. Совуқ биринчи кундаёқ планга салбий таъсир қилди. Бундан ташқари бир ой мобайнида ҳар куни 60 та ер қазиш машинаси шаҳарни кордан тозалашга чиқарилди. Одамлар қурилиш объектларида биринчи с м е н а ишини тугатиб, иккинчи сменада эрталаб механизаторлар ва транспорт қатнови осон бўлсин учун кўчаларни тозалашга чиқдилар. Қиш бўйи 1, 6, 7-механизация бошқармаларининг механизаторлари қор тозалашда ишлаб, шаҳар ижроия комитети штабининг раҳматига сазовор бўлдилар.

Трестга қарашли 6-механизация бошқармасининг ёш механизаторлар коллективи (бошлиғи ўртоқ Леонов) Марказий сув ўтказгич иншоотини тайёрлашда ва фойдаланишга топширишни таъминлашда «Ташинжстрой» трести коллективи билан ҳамкорликда катта ишларни амалга оширди. Йигирма даражалик совуққа механизаторлар аварияни бартараф қилиб, шаҳар аҳолисини сув билан таъминлашди. Экскаваторчилар ёнида техника хавфсизлиги бригадаси ва пайвандлаш агрегатлари куну-тун навбатчилик қилди. Тупроқ музлаган, экскаваторлар чўкичининг синишига қарамай, механизаторлар қурувчилар ҳамкорлигида ўз олдиларига қўйилган вазифани адо этишди.

Кунлар ноиб кетиши билан сув тошқини хавфи туғилди. Механизаторлар дарёлар ва каналлар бўйини кўтариш, анҳорлар бўйига бетон ётқизиш ишларини амалга оширдилар.

Шу билан бирга қурилиш объектларида ҳам иш давом этди. Энг оғир шароитларда «Шимол» ва «Қорақамиш-2» уй-жой массивларининг дренаж ишларини олиб боришга тўғри келди. 1 ва 7-механизация бошқармаларининг (бошлиқлари Д. Я. Водотиевский ва Ю. Р. Петров ўртоқлар) механизаторлари ҳар куни 30 метр дренаж ишларини бажарди.

Шундай қийин кунларда янги массив ва микрорайонларни ўзлаштиришга тўғри келди. Улар пойдевори учун вертикал зовур қазилиб, «Марказ-14», «Марказ-1», «Шимол», А-1, А-3, Д-3 «Ташавтомаш» объектларида иш бошлаб юборилди.

Трестнинг шу йилнинг 1-квартал якунлари муҳокама қилинган партия хўжалик активида уч ойлик план тўлмаганлиги учун анча танқидий фикрлар айтилган эди. Ўшанда трест, бошқарма, бригада ва экипажлар конкрет тадбирлар белгилашди, 2-кварталда планни тўлдириб, йилнинг иккинчи ярмини ёруғ юз билан кутиб олиш учун барча имкониятлар ишга солинди. Трестнинг барча участкаларида ярим йиллик планни бажариш учун кураш кучайиб кетди.

Трест ўз олдига қўйган вазифани бугунги кунда тўла бажарди. 26 июнда қурилиш-монтаж ишлари ярим йиллик плани муддатидан олдин бажарилди. 6, 7, 8-механизация бошқармалари ярим йиллик планни бажарганликлари ҳолда қолган икки бошқарма ҳам илгарги сафидан жой олди.

Бунинг учун катта ғайрат қилишга тўғри келди. Механизаторлар на куч, на вақтларини аяшди. Қорақамиш массивида дренаж ишларини олиб бориш билан «Шимол» массивининг Д-3 кварталида ер текислашни шанба ва якшанба кунларида амалга ошириш ҳақидаги 1-механизация бошқармасининг бульдозерчилари қилган таклиф ҳамма томонидан кенг қувватланди.

Механизаторлар 7, 8, 11, 12-автобазаларнинг шоферлари билан ҳамкорликда май ва июнь ойининг шанба, якшанба кунлари иш бошида бўлдилар. Шуни таъкидлаш лозимки, автотранспорт бошқармаси 2-кварталда трестларга хизмат кўрсатаётган автобазалар сонини камайтириш, маълум автобазани трестга бириктириб қўйиш ҳақида жуда тўғри қарор қабул қилди. Бу ўз ижобий таъсирини кўрсатди. Автобаза ходимларининг масъулияти ошди, уларни моддий рағбатлантириш учун имконият яратилди. Автомобилчиларнинг ёрдами туфайли трест ярим йиллик планни муддатидан илгари бажарди.

Бундан буён ҳам ишни яхши давом эттириш лозим. Ҳар бир трестга битта, ҳеч бўлмаса иккита автобазани бириктириб қўйиш керак. Бу тупроқни ташиб олишга ихтисослаштириш ҳамда комплекс бригадалар тузиш имкониятини беради. Илгари трестда 9-10 автобазанинг машинаси ишларди. Ҳолбуки бу машиналардан битта транспорт бошқармасига қарашли бўлишига қарамай, қурилишга ёрдам беролмас эди. Ўз вақтида машиналарнинг келмаслиги ёки бир жойдан иккинчи жойга олиниши каби ҳоллар рўй берарди.

Трест ремонт базаларини ривожлантиришдек юксак мақ буриятни ўз зиммасига олган. Бу соҳада анча ишлар қилинди. База қурилмаётган бирорта ҳам бошқарма йўқ. Бош бошқарма анча вақтгача бу мақсадлар учун маблағ ва қурилиш материаллари ажратиш юзасидан бош қотирди. Ҳозир бу масала ижобий ҳал қилиниб, мажбуриятни бажаришимизга катта ҳисса қўшди.

Шу йилнинг 1 июлидан 2-қурилиш механизацияси трести билан бош пудратчи ташкилотлар ўртасидаги алоқа ва ўзаро ҳисоб-китоб қилишнинг янги тартиби ишга тушди. Бу тартиб ҳар икки томонга ҳам катта масъулият юклайди.

Трест 8-механизация бошқармасини тубдан яхшилаб, минорали кранлардан фойдаланиш ва ўз вақтида монтаждемонтаж қилишни таъминлаши, талабга жавоб берадиган ҳолатга келтириши лозим.

Шунингдек, 9-механизация бошқармасида техника ҳолати ва стрелкали кранлардан фойдаланишда иш кўнгилдагидек ташкил қилинди деб бўлмайди.

Бош пудратчилар олдига қўйётган айрим талабларимизни шанба ва якшанба кунларида амалга ошириш ҳақидаги 1-механизация бошқармасининг бульдозерчилари қилган таклиф ҳамма томонидан кенг қувватланди.

Механизаторлар 7, 8, 11, 12-автобазаларнинг шоферлари билан ҳамкорликда май ва июнь ойининг шанба, якшанба кунлари иш бошида бўлдилар. Шуни таъкидлаш лозимки, автотранспорт бошқармаси 2-кварталда трестларга хизмат кўрсатаётган автобазалар сонини камайтириш, маълум автобазани трестга бириктириб қўйиш ҳақида жуда тўғри қарор қабул қилди. Бу ўз ижобий

С. ВАСИЛЕНКО,
2-қурилиш механизацияси трестининг бошқарувчиси.





Ленин орденли Ю. Гагарин номидаги «Тошгистекстильмаш» заводи машинасозлари ўртасида ленинча меҳнат вахтаси ой сайин кенг қизимоқда. Корхонанинг кўпгина ишчилари ўзларининг шахсий беш йиллик топшириқларини бажариш арафасида турибдилар.
СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) йигирув цехининг зарбдор йигирувчиларидан коммунистик меҳнат зарбдорлари Маҳамаджон Қурбонов ва Валерий Волобуев ўртоқлар янги ПКЛ-100 М машинасини йигиш пайтида.
М. Нуриддинов фотолари.

Доҳий юбилейига меҳнат рапортлари

ШИРИНЛИКЛАР

Ишлаб чиқариш қувватини ошираётган ва маҳсулотларининг янги хилларини ишлаб чиқаришни ўзлаштираётган «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг коллективи йил бошидан буён ойлик планларини барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажармоқда.

Қандолатчилар ярим йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш топшириқларини 25 июнда адо этдилар.

Ярим йил давомида пландан ташқари сотилган ширинликлар 144 тоннани ташкил қилади.



СУРАТДА: Тошкентдаги «Учқун» тўқувчилик фирмасининг зарбдор ишчиси моҳир тўқувчи М. Риҳсиева.

● *Тошкент бунёдкорлари*

Кафтида кўтарувчилар

Она шаҳримизда нима кўп — янги барпо этилган кварталлар кўп. Уй-жой бинолари шитоб билан қурилмоқда. Тошкентда уй-жой танқис бўлган 1966 йили Россия федерациясининг кирк шаҳридан келган бинокорлар кўллаб иморат тикладилару унга дарҳол кўчиб кира қолиш қийин бўлди. Шунда Тошкентда Москва область йўл қурилиши трестининг ихтисослаштирилган алоҳида бошқармаси ташкил этилди.

Бу янги ташкилот 3-йўл қурилиши бошқармаси деб номлана бошлади. Бошқарма ташкил топганидан буён ўттиз ойдан кўпроқ вақт ўтди. Шу ойлар мобайнида йўлчилар жуда катта ҳажмда иш бажардилар. Бу ҳақда қурилиш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. Романов марок билан ҳикоя қилиб берди.

— Рақамлар киши меҳнатининг мазмунини дейишгани тўғри гап, — дейди бошлиқ ён дафтарчасидаги ёзувларга кўз қирини ташлаб, — Шундай рақамлар бўладики, улар заминида у ёки бу касбдаги кишиларнинг матонат билан қилган меҳнатлари жилоланиб туради. Бизнинг йўлчиларимиз ҳам Тошкент қурилишларида ишлаб ўз вазифаларини садоқат билан адо этмоқдалар.

Бошлиқ бошқарма коллективининг ташкил топиш тарихи ҳамда шу кеча кундузгачи ишларнинг бориши тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Илгари бу бошқарма коллективи Москва область шаҳар ва қишлоқларида магистрал йўллар қуриш билан шуғулланарди. Тошкент қурилиши эса катта коллективга яна бир синовдан ўтиш вазифасини қўяётганлиги кўпчиликка маълум эди. Москваликлар Тошкент йўлчилари билан маслаҳатлашиб олдилар. Кўпгина адабиётларни кўриб чиқишга, бетон йўллар ва йўлкалар қуришнинг ўзига хос технологияси билан танишишга сира эринишмади. Чунки улар тошкентликларнинг кўнглини олиш, шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича иш тутишга қарор қилган эдилар. Бетиним ўрганишлар, маслаҳатлашиб иш тутиш ўз самараларини берди.

Мана энди рақамларни бир-бирига қиёс қилиб кўрсак бўлади. Бу рақамлар москвалик йўлчиларнинг суръати ва иш сифати қанчалик ошиб борганлигини ўз-ўзидан ҳикоя қилади. Агар Тошкент зилзиласи бўлиб ўтган йили ҳар сменада 150-200 квадрат метр ҳажмдаги йўлга бетон ётқизилган бўлса, кейинги йилларда илғор иш тажрибалари ҳамда прогрессив технологияга амал қилиш туфайли бажарилган иш ҳажми икки баравар кўпайиб борди. Яъни ҳар смена 380-400 квадрат метр йўл ва йўлкага бетон ётқизиляпти.

Бошқарма ишчилари, инженер-техник ходимлари уй-жой қурилишига материалар етказиб беришни осонлаштиришга ҳам катта ҳисса қўшишди. Шу мақсадда Собир Раҳимов темир йўл станцияси ёнида катта полигон қурилди.

Бора-бора бу коллектив бинокорлик материаллари корхоналари қурилишини тезлаштиришга ихтисослашиб борди. Қўйлиқдаги темир-бетон буюмлари заводидан келтириладиган материаллар бинокорлар учун етишмай қолди. Шунинг учун уни кенгайтиришга тўғри келди. Корхонани кенгайтириш вақтида Москва область йўлчилари бу объектга ёрдамлашиб юбориш истагини билдирдилар. Темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарадиган корхона кенгайтирилаётган объектда 7000 квадрат метр ҳажмда бетон ётқизиш ишларини адо этдилар. Шундан бир оз вақт ўтгандан кейин бу ерда яна бир катта завод барпо қилинди.

Ҳозирги кунда Москва область ийнинг йўлчилари Тошкентда Шаҳар марказидаги 4-микрорайондан бошлаб Самарқанд кўчаси томонга қараб катта магистрал йўл қуришмоқда. Воронеж, Краснодар Пермь қурилиш поездлари қурган уйлар олдини ободонлаштириш, у жойларда йўлкалар барпо қилиш ишлари тугалланиш арафасида. Яқин кунлар ичида Челябинск бинокорлари тиклаган болалар комбинати ҳовлисидаги бетонлаш ишлари ҳам тугалланади.

Уйлар қурилаётган, уларни магистрал йўллар билан улайдиган йўлкалар бўлмаса ундан нима фойда. Шунинг учун йўл қурувчилар коллективи Москва областидан келган янги қурилган уй-жой ва маданий-маиший биноларни магистрал йўлларга туташтириш учун барча имкониятларни ишга солиш меҳнат қилишмоқда. Йўлсозлар янги кварталларда тикланган биноларга одамларни равон кўчалардан бамисоли кафтида кўтаргандек етказиб боришга ҳаракат қилишяпти.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

«Халқлар дўстлиги — совет давлатининг куч ва қудрат манбаи». Ана шу мавзудаги кеча Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти КПСС тарихи кафедраси профессор ва ўқитувчилари томонидан институтнинг Чилонзорда жойлашган 2-ётоқхонасида ўтказилди.

Кафедра доценти, тарих фанлари кандидати Ж. И. Қосимбеков интернационал дўстлик кечасини қисқача кириш нутқи билан очди. Туркистонда Октябрь революцияси ва граждан урушининг қатнашчиси, кафедра профессори М. Х. Давлат-Юсупов ўз сўзида совет халқларининг интернационал дўстлигини мустаҳкамлаган тарихий воқеалар ҳақида ёшларга ҳикоя қилиб берди.

Истеъфодаги подполковниклар — шу кафедранинг катта ўқитувчилари И. М. Земцов ва М. А. Назаров ўртоқлар турли миллат ёшларининг ҳарбий хизмат давридаги дўстлик ва ҳамкорликлари тўғрисида сўзлаб беришди.

Улуғ Ватан урушн даврида совет хотин-қизларининг интернационал дўстлиги тўғрисида тўлқинланиб сўзлаган катта ўқитувчи Шарифа Қўшоқованинг нутқи тингловчиларда айниқса катта таассурот қолдирди.

Кафедра доценти А. А. Каримов ва А. Охунов ўртоқлар ҳам бутун жаҳонда тинчлик, меҳнатнинг тантанаси учун курашда интернационал дўстлик, қардошлик, биродарлик ва ҳамжиҳатликнинг аҳамияти ҳақида гапирдилар.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан ўтказилган ёшларнинг интернационал дўстлик кечаси жуда ғизиқарли ўтди.

Н. БАРКАШЕВ.


«Мухбир» — «Корреспондент»

Журналимиз газета, журнал нашриёт, телеграф агентлиги, радио ва телевидение ходимлари учун мўлжалланган. Журнал матбуотимизнинг жамоатчи мухбирлари — ишчи-деҳқон ва ҳарбий мухбирларга катта эътибор беради.

Журнал республика матбуоти практикасини чуқур, ҳар томонлама ёритишга ва умумлаштиришга, совет матбуотининг ленинча принципларини очиб беришга, ўз маҳоратини такомиллаштиришда, совет журналистикасининг тарихи назарияси ва практикасини ўрганишда газета, журнал, нашриёт, радио ва телевидение ходимларига ёрдам беришга даъват этилган. Шу мақсадда журнал ўқувчиларни энг яхши журналистларнинг назарий лабораторияси билан таништиради, журналистик маҳорати, журналистларнинг савияси тўғрисида, газета жанрлари, партия ва совет матбуотининг услуби ва тили ҳақида мақолалар бериб боради. Ҳар бир сонда маҳаллий журналистлар ташкилотлари, редакцион коллективларнинг фаолияти, тажрибаси ва ташаббуси кенг ёритилади. Журнал район газеталари, деворий газеталарнинг ишига, ишчи-деҳқон мухбирлар ҳаракатини ривожлантиришга бундан буён ҳам алоҳида эътибор беради.

«Союзпечать»нинг барча пунктларида, почтамтларда, алоқа конторалари ва бўлимларида журналимизга обуна бўлиш мумкин. Шунингдек, завод ва фабрика, колхоз ва совхоз, олий ўқув юрти ва муассасалардаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан ҳам обуна қабул қилинади.

Р. ШОКИРОВ.
«Мухбир» — «Корреспондент» журнали бош редакторининг ўринбосари.



СУРАТДА: шаҳар марказида қурилаётган марказий В. И. Ленин музейи Тошкент филиалининг бош корпуси. Бу табаррук бино доҳиймиз туғилган кунининг 100 йиллиги куни тантанали равишда очилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

„НОМСИЗ ТЕПАЛИКЛАР"

Шу сарлавҳа остида газетамизнинг ўтган йили 14 декабрь сонида босилган танқидий мақолада Марказ—13 ёнидаги бўланд-баланд тупроқ уюмлари йўловчиларга ҳам, транспорт қатновига ҳам ҳалақит бераётгани, умуман айрим қурилиш ташкилотлари озода сақлашга эътибор бермаётганликлари кўрсатилган эди.

Мақола «Главташкентстрой»да муҳокама қилинди. Унда кўрсатилган нуқсонларни бартараф этиш юзасидан конкрет чоралар кўрилди. «Главташкентстрой»нинг Тошкент шаҳрини қуриш ишлари Бош бошқармасининг бошлиғи «Ташинжстрой» иши қатъий назорат остига олинганини хабар қилди ва қурилиш объектларини озода тутиш юзасидан тадбирлар белгиланганлигини билдирди.

Тошкент оқшоми почтасидан

Бир пиёла чой

Мана, кунлар ҳам исиб кетди. Шундай пайтда бир пиёла чой киши кўнглига ором беради. Чойхона озада, салқин бўлса кишини янада ўзига мафтун этади.

Тошкент аэропорти кишилар билан доимо гавжум бўладиган жой лардан бири.

Бу ерда кечаю-кундуз одам аримайди. Биров бир шаҳарга сафарга отланса, яна бировни қариндошлари, ёр-биродарларини кутиб олади. Аммо шундай катта даргоҳда бирорта ҳам чойхона йўқлиги кишини ранжитади.

Шуни ҳам айтиш керакки, шаҳримизда баъзи жойларда чойхоналар етишмайди, баъзи жойларда чойхоналар ҳар қадамда мавжуд. Мисол учун Бешёғоч кўчасида тўртта чойхона бор. Буни кўриб қувонасан, киши. Бироқ ҳамма кўчаларда ҳам аҳвол ана шундай эмас. Нима, чойхона қуриш шунчалик қийинми? Ахир 5-9 қаватли уйлар тез кунларда фойдаланишга топширилаяпти. Бироқ чойхона қуришни ҳеч бир ташкилот ўз зиммасига олмаяпти.

Бу масала ҳақида жиддий ўйлаб кўриш пайти келмадимикан?

Қ. ЗОКИРОВ.
Пахта тозалаш саноати илмий текшириш институтининг катта техниги.

БЕКАТЛАРГА СОЯБОНЛАР

Ҳар куни минглаб меҳнаткашлар транспорт хизматидан фойдаланадилар. Бекатларда соябонлар йўқлиги меҳнаткашларнинг асабига тегади. Транспорт кутиш оз вақт талаб қилади, дейсизми? Шота Руставели кўчасининг бошланишидан охиригача ва Чилонзорга кетиш йўлидаги трамвай бекатида бирорта соябон йўқ. Фурқат кўчасида эса битта-иккита бекатда соябон бор, холос.

35, 39, 46, 53 автобусларнинг бекатларида ҳам соябонлар кўринмайди. Бу маршрутдаги автобуслар баъзи вақтларда бекатларда тўхтамай ўтиб кетаверади. Сиз бўлса жазирама офтобда асабингизни бузиб автобус кутиб, тураверасиз.

Бекатларга соябонлар ўрнатилса, меҳнаткашлар учун катта қулайликлар яратилган бўлар эди.

З. ҚОДИРОВ.

ЙЎЛОВЧИЛАР ТАЛАБИ

Бир неча йилдирки пойтахтимизнинг Ленин районидаги «Сариқўл» маҳалла аҳли қишда ботқоқ лойдан, ёзда чангдан безор бўладилар. Шаҳарнинг қоқ бинқининг жойлашган маҳалласининг «Новий путь» кўчаси лой, ёзда чанг-тўзон бўлади. Ота-боболаримизнинг «Қиш гамини ёзда е» деган мақолига амал қилиб, ҳозирги авжи ёзда кузгача шу кўча тузатилармикин, деган умиддамиз.

С. МИРРАЖОНОВ.

РАҲМАТ, ҚИЗИМ!

Университет кўчасидаги Лойтўғон ариғи жуда тез ҳайқириб оқарди. Шу вақт бир аёлнинг «Ёрдам беринг, қизим оқяпти», — деган товуши келди. Сув юзида қалқиб кўриниб-кўринмай қичқина қизча оқмоқда эди. Ариқ бўйлаб кетаётган қиз ҳеч иккиланиб ўтирмай, кийими билан ўзини сувга ташлади ва қизчани қирғоққа олиб чиқди ҳамда «Тез ёрдам» машинаси келгунга қадар унга биринчи ёрдам кўрсатди.

3 яшар Насиба Маъзумова ўртоқлари билан ариқ бўйида ўйнаб юрар эди. У шу вақт қўлини ариққа ювмоқчи бўлди-ю оёғи сирпаниб сувга тушиб кетди. Унинг ота-онаси Тоҳир ака ва Нафиса опа Маъзумовалар, қизлари Насибанинг ҳаётини сақлаб қолган қиз — Политехника институти энергетика факультетининг 1 курс студенти Муҳайё Аюповага чексиз миннатдорчилик билдиришди.

К. ЮНУСОВ.
шахсий пенсионер.



Шаҳримизнинг Тимирязев кўчасида янги тиш даволаш муассасасининг биноси фойдаланишга топширилмоқда. Яқин кунларда бу стоматология муассасаси аҳолига медицина хизмати кўрсата бошлайди.

СУРАТДА: янги поликлиника.

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Ҳурматли редакция!

Бизлар яшаётган студентлар шаҳарчасининг марказида жойлашган «Союзпечать» киоскасига газета ва журналлар жуда кам келтирилади.

Киоскада рус ва ўзбек тилларида босилган болалар журналларини кўрасиз, холос.

Шаҳарчамиздаги ётоқхоналарда 10 минг студент истиқомат қилади. Биргина бизнинг ётоқхонада 750 га яқин студент яшайди. Аммо киоскада студентларни қизиқтирадиган «Техника молодёжи», «Фан ва турмуш», «За рулём», «Спортивная игра», «Советский спорт», «Футбол-хоккей», «Ўзбекистон физкультурачиси», «Неделя» каби ва бошқа газета ҳамда журналлар етишмайди. «Футбол-Хоккей» беш дона, «Советский спорт» икки дона келган пайтлари ҳам бўлган. Киоска мудираси бизнинг арзимизни Октябрь район «Союзпечать» идораси бошлиғи ўртоқ Нажимовга айтсалар, у киши борини ҳам ўчириб ташлайман, дер эмишлар.. Бу дўкни қандай тушунса бўлади?

Я. ҒУЛОМОВ,
И. КОЗИМОВ,
ТошПИ механика факультетининг 3—4-курс студентлари.

КИОСКА ҚАНИ?

Октябрь районидаги «Бешқайрағоч» массивининг «Бешқайрағоч» маҳалласида газета-журнал киоскаси очилгандан аҳоли бекад курсанд бўлган эди. Киоска бироз ишлади. Сўнгра унга қулф осилди. Мана уч ой бўляпти, киоска ҳамон бек. Киоска қачон очилади?

У. КАРИМОВ.
ўқитувчи.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН МОНГОЛ АДАБИЁТИ ҲАҚИДА

УЛУҒ Октябрь социалистик революциясининг нурафшон шуъласи узоқ асрлардан буён эзилиб, ҳорлик ва очлик исканжасида инграб келган монгол меҳнаткашларига ҳам етиб келди ва улар ўз революцион партияси раҳбарлигида бу зулмни улоқтириб ташлади. 1921 йили мустақиллик ва ривожланиш йўли — социализм йўлига ўтиб олди. Шундан буён ён қўшнимиз бўлган Монголия Халқ Республикаси билан мамлакатимиз ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар дўстона ривожланиб келмоқда.

Мамлакатда юз берган социал ўзгаришлар маданий соҳада ўз аксини топди. Бутун мамлакат бўйлаб саводсизликни тугатиш, илм-маърифатни ривожлантиришда катта ютуқларга эришилди. Ҳозирги кунда Монголия Халқ Республикаси ёппасига саводли ўлкага айланди. Худди шу маданий кураш даврида янги монгол адабиёти ҳам ўсди ва юксалди.

Агар революциянинг дастлабки пайтларида монгол адиблари ўз халқининг бадиий ижод дурдоналари — фольклоридан фойдаланиб, ундан озиқланиб халқчил асарлар яратган бўлсалар, секин-аста улар янги типдаги монгол адабиётини яратишга ҳаракат қилдилар ва унга пойдевор қурдилар. Бунинг учун илғор совет адабиёти, биринчи навбатда рус классик ва рус совет адабиётининг энг яхши дурдоналарини ўқиш, ундан социалистик реализм методини ўрганиш керак эди. Шунинг учун ҳам монгол адиблари таржима соҳасига катта эътибор бера бошладилар ва улар Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Чехов, М. Горький, Н. Островский, К. Симоновларнинг бир қанча асарларини ўз она тилларига таржима қила бошладилар. Ўзлари ҳам янги тузумни, янги ҳаётни улуғловчи асарлар ёза бошладилар.

1929 йилда биринчи йирик прозаик асар «Гоголдсон хуухен» («Рад этилган қиз») номли повесть яратилди. Монгол адабиёти тарихини текширувчи олимларнинг фикрича, шу асар яратилган йилдан демократик монгол адабиёти ҳам туғилади. Бу адабиётнинг асосчиларидан бири юқоридаги асар автори Цэндийн Дамдинсурэндир. Биринчи бўлиб у ўзининг прозаик асарида революциягача бўлган монгол ҳаёти, турли ижтимоий группаларнинг турмуши ва ишлари ҳақида йирик планда фикр юритади ва озодликка чиққан авлоднинг турмушини Цэрэн номли қиз ҳаёти мисолида тасвирлайди. Ота-онаси қийналиб, оғир турмуш кечириб ўтган қиз янги даврда ўқиб, маълумотли бўлиб ўз қишлоғига боради ва ўзининг фойдали киши бўлиб етишганидан фахрланади. Бу билан ёзувчи биринчи бўлиб янги жамият кишисининг ҳаёти ва турмуши темасини монгол демократик адабиётига олиб кирди ва монгол адабиётида социалистик реализмга асос солди.

Дамдинсурэн Ўзининг 1935 йилда ёзган «Бурал ээж минь» («Менинг оқсоч онам») номли поэмасида ўзининг Ленинграддаги ҳаёти, турмуши ҳақида фикр юритади ва Совет Иттифоқи билан Монголия ўртасидаги дўстона муносабатларни улуғлайди. У совет кишилари ҳақида эҳтиром билан сўзлайди. Бу асар совет-монгол дўстлиги ҳақида ёзилган энг яхши асарлардан бири ҳисобланади.

Дамдинсурэн билан бирга ижод қилган ва демократик адабиёт асосчиларидан Дашдорнийн Нацагдорждир. У ўзининг «Эски дунё ўғли» «(Хуучин хуу»), «Менинг Ватаним» («Миний нутаг») каби асарларида революциягача бўлган монгол меҳнаткашлари ҳаётини, озодликка чиққандан кейинги рўй берган социалистик ўзгаришларни тасвирлайди ва демократик монгол адабиётининг тематикасини кенгайтиради.

Дондочийн Цэйэчмед ҳам баракали ижод қилади. Унинг «Чўпон Найдан» (Хоньчин Найдан) «Больд ва Салбуу» («Болф Самбуу хоёр») номли асарлари кенг китобхонлар оммасига танишдир. Бу асарларда юқоридаги асарларга нисбатан ҳаёт яна тўлароқ ва чуқурроқ акс эттирилади.

Айниқса, 1940 йилдан кейин монгол демократик адабиёти яна юксалди ва юқори погона га кўтарилади. Бу даврда биринчи монгол романи яратилади. Унинг муаллифи Ч. Лойдойдамба бўлиб, у «Олтойда» («Алтайд») номли роман ёзди. Бунда монгол зиёлилари, олимларининг иши ҳақида фикр юритилади ва геолог олимлар экспедициясининг ишлари тасвирланди. Совет олими Панов билан ҳамкорликда ишлаган ва кузатув ишлари олиб борган монгол олимлари кўп нарсаларни ўрганадилар. Асарда монгол ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик темаси яна улуғланади.

Монгол шоирларининг шонли партия ва доно йўлбошчи Сухэ-Батор ва бошқаларни улуғловчи, Совет Иттифоқи билан дўстликни шарафловчи асарлари монгол адабиётининг энг яхши намуналари ҳисобланади. Монгол шоирлари ижодида халқаро пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин ва унинг шонли партияси темаси муҳим ўрин тутади.

Ц. Гайтаванинг «Ленин байроғи остида» («Ленинний тугийн дор»), Д. Лодойдамбанинг «Ленин васиятларига амал қилиб». («Лениний сургалакр»), Д. Ээнгээнинг «Ленин кунларига» («Лениний гушуудал»), Энэбишнинг «Бизнинг Ленинга» («Ленин дээ») каби асарлари монгол адабиётининг янги яхши дурдоналари бўлиб, унда доҳийнинг хизматлари, унинг халқаро ишчилар харакатининг улуғ доҳийси сифатида фазилатлари улуғланади, совет-монгол дўстлиги мадҳ этилади.

Ҳозирги кунда бутун дунёдаги тинчликсевар инсоният В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўраётган бир пайт да монгол шоирлари Ленинга бағишлаб янги-янги асарлар яратмоқдалар. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Монгол шоирларидан Ч. Чилинд бу дўстлик ҳақида шундай ёзади:

Бахам кўриб шодлигу ғамни.
Дўстлик дилни айласа обод,
Бахтли кўрсак барча одамни,
Дўстликка ҳеч бўлмаган сарҳад!

Ҳақиқатан ҳам дўстининг чегараси йўқ. Шунинг учун ҳам у тинчликсевар барча кишилар қалбидан жой олади...

Монголияда энг яхши бадиий адабиёт асарлари учун давлат мукофотлари берилади, турли хилдаги бадиий конкурслар уюштириб турилади.

Республикамизда яқинда тамом бўлган совет ва монгол ёшларининг III традицион фестивалидан кейин яка Монголия Халқ Республикаси кунларининг нишонланиши республикамиз маданий ҳаётида катта янгиликдир. Эллар доҳий Ленининг шонли юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун меҳнат қилаётган шу кунларда бу маданият байрамининг ўтиши икки мамлакат ўртасидаги Ленин асос солган дўстликни янада мустаҳкамлашга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Т. АШУРОВ,
Филология фанлари кандидати.



Куни кеча Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Монголия Халқ Республикаси рассомлари, ҳайкалтарошлари ҳамда графиклари асарлари кўргазмаси очилди. Монгол дўстларимизнинг бу ижодий кўргазмасини ҳар куни мингларча тошкентликлар ва кўплигина меҳмонлар келиб кўрмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: кўргазма залидаги экспонатлардан бири олдида.

* * *

Таниқли ўзбек рассомларидан Чингиз Ахмаров ва Абдулҳақ Абдуллаев монгол рассоми Буянбатрах билан суҳбатлашмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

Ҳаёт чорлайди

КУНИ - КЕЧА давлат имтиҳонларини тугатган ёшлар 10 йил тарбияланган жонажон ва қадрдон мактаблари билан хайрлашдилар.

Мана, биз пойтахтимиздаги 82-ўрта мактабдамиз.

Мактаб ҳовлиси шинамгина безатилган. Юқорида доҳиймиз В. И. Ленининг барельефи. Зарҳал ҳарфлар билан «Мактабимизни битирувчиларга оқ йўл!» деб ёзилган шиор кўзга ташланиб турибди.

Кечанинг бошланишига ҳали вақт бор, аммо ҳаммаёқда ёшларнинг қувноқ кулгилари янграмоқда.

Кимлар меҳрибон ўқитувчиларига бағишланган шеърни, қўшиқларни, бошқалари ўйин ва музикаларни, охирги репетицияларини ўтказяптилар. Бир томонда ёшлар қадрдон ўқитувчилари Карим Маҳкамов билан илиқ суҳбатлашишмоқда.

Мана, салқин жойда гурунглашиб ўтирган битирувчилар эса бир-бирларига қаерларга бориб ишлашлари, ўқишлари ҳақидаги ширин орзуларини айтишяпти. Биз ҳам уларнинг суҳбатига қўшилдик.

— Мен Москвадаги физика-техника институтига кириш орзум бор, мен билан бирга мактабдошларимдан шу ўқув юртига Турсун Иброҳимов, Мурод Юнусов ва бошқалар ҳам боришади, — дейди мактабни аъло баҳолар билан битирган Анвар Қобилов.

Мардон Тешабоев ҳам ўз ниятини айтди:

— Қурувчи бўлиш орзум бор... Кундузи қурилишда ишлаб, кечқурун Тошкент халқ хўжалиги институтида ўқимоқчиман...

Вазифа Валиева ва унинг бир неча дугоналари Тошкент Давлат университетида ўқишни давом эттиришларини айтишди.

Аббос Мўминов кибернетика институтида программа тузувчи бўлиб ишлаш билан бирга, ТошДУнинг механика-математика факультетида ўқимоқчи.

Ҳа, бу ёшларнинг қалбида ўз истаги, орзуси, яхши ниятлари бор. Улар ўз истакларига эришадилар ҳам, чунки бизда порлоқ келажагимиз эгалари бўлган ёшларга ўқишни давом эттиришлари, ишлашлари учун ҳамма шароит бор.

Тантанали хайрлашув кечаси бошланди. Мактаб директори Олимжон Раҳматуллаев кечани очиб, йигит-қизларни мактабни муваффақиятли тамомлаганликлари, етуклик аттестати олиб, мустақил ҳаётга қадам қўяётганликлари билан ўқитувчилар коллективи ва бошланғич партия ташкилоти номидан табриклайди. У бир неча ёшларнинг ишга, ўқишга, баъзи ёшларни Москва, Ленинград, Киев, Одесса ва бошқа шаҳарларга ўқишга жўнаётганлигини айтди. Мактаб таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйишда актив қатнашган ота-оналарга ташаккур билдирди.

Мактаб 9 йилдан буён электрон ҳисоблаш машиналари учун программа тузувчи ҳамда операторлар тайёрлаб келмоқда. Шу йиллар мобайнида 700 га яқин шундай ёш кадрлар тайёрлади. Бугун 84 ўғил-қизга ана шундай касбни эгаллашларида мактабга яқиндан ёрдам берган кибернетика институтининг илмий ходимларига ҳам миннатдорчилик сўзлари айтилади.

Олимжон ака ёшларни ҳаётда учраган қийинчиликларни мардонавор енгишга доимо олға интилишга, жамоат ишларида мактабдагидек актив қатнашишга чақиради ҳамда уларга оқ йўл тилайди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кибернетика ва ҳисоблаш маркази институтининг директори, математика фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати профессор Восил Қобиловни ёшлар гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Ў битирувчиларни қизғин қутлаб, порлоқ келажак, фан чўққилари сари интилишларида муваффақиятлар тилади.

Н. К. Крупская номидаги мактабгача педагогика институтининг директори Тожихон опа Алимова табрик сўзларини айтиб, қизларни шу билим даргоҳига ўқишга таклиф этди.

Кечага тўпланган барча ота-оналар номидан мактаб ота-оналар комитетининг раиси Абдулла ака Маъдаев табриклади.

Мактабни тамомлаганлар номидан Саодат Ражабова, Гулнора Имомхўжаева ва Бахтиёр Жалиловлар ўз ўқитувчиларига қарата қалб сўзларини айтишди, илм берган устозларининг ишончини оқлашга сўз беришди.

Мактаб комсомол ташкилотидан Маҳмуд Ғафуров сўзлаб, мактаб пионер ва комсомол ташкилотлари фаолиятида ҳамда жамоат ишларида актив қатнашган битирувчиларга Тошкент область, шаҳар ва Чилонзор район комсомол комитетларининг фахрий ёрлиқларини топширди. Уларни доҳий В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейини ўқиш ва ишда янги ютуқлар билан кутиб олишга чақирди.

Кечада ўтган ўқув йилида мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, ҳозир олий ўқув юртларида муваффақиятли ўқиётганларга олтин ва кумуш медаллар топширилди. Медалистлар номидан Тошкент политехника институтининг студенти Нурилла Муҳамедов ўқитувчиларга ташаккур изҳор этди.


Шундан сўнг шеърхонлик, ўйин-кулги бошланди. Ҳар бир битирувчи синф тайёрлаган концерт номерлари намойиш қилинди.

Ҳа, Чилонзор районидаги Жданов номли 82-ўрта мактабни муваффақият билан тугатган 146 ўғил-қиз етуклик аттестатини олди.

Шаҳримиздаги 1, 24, 40, 111-ва бошқа ўрта мактабларда ҳам хайрлашув кечалари бўлиб ўтди.

Ёшларимизга ҳамма оқ йўл тилади.

М. АСҚАРХЎЖАЕВ.



Шарқ дарвозаси Тошкентимиз кўпгина халқаро ҳаво йўлларининг маркази ҳам бўлиб қолмоқда. Ҳар куни Тошкентга кўпгина чет эл авиакомпанияларининг пассажир самолётлари келиб кетади.


СУРАТДА: Кобулдан келган Афғонистоннинг «Ариана» авиакомпаниясига қарашли пассажир самолёти Тошкент аэропортида.

Жаҳон ойнаси

ШОНЛИ САНА АРАФАСИДА

БЕРЛИН. (ТАСС). Герман-совет дўстлиги жамияти марказий правлениесининг мажлиси ГДРнинг 20 йиллигига ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланди. Мажлис қатнашчилари ушбу юбилей саналарига тайёргарлик кўриш доираларида сиёсий ва идеология иши вазифаларини муҳокама қилдилар.

Жамият марказий правлениеси секретариатининг раиси К. Тиме шу йил бошидан то май ойи охиригача жамиятга 374 минг янги аъзо қўшилганлигини маълум қилди. ГДРнинг 20 йил мобайнида музаффақият билан ривож топаётганлиги,— деди нотиқ,— СССР билан 20 йиллик бузилмас иттифоқининг тантанаси, социалистик интернационализм тантанасидир.



БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. СУРАТДА: Софиядаги «Плиска» меҳмонхонаси.



Инглиз жамоатчилигининг нерв системасига таъсир этувчи кимёвий моддаларнинг ишлаб чиқарилиши ва сақланишига қарши кескин норозилигига қарамай Буюкбритания ҳарбий министрлиги газларнинг янги турларини ишлаб чиқармоқда, уларни синовдан ўтказмоқда.

СУРАТДА: кимёвий моддалар таъсир этмайдиган кийимдаги инглиз солдати «нерв» газининг турини аниқламоқда.

Сурат инглиз газетаси «Морнинг стар»дан олинган.

КОРЕЯ МЕҲНАТ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ПХЕНЬЯН. (ТАСС). Бу ерда Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг бош секретари Ким Ир Сен раислиги остида КМП Марказий Комитетининг кенгайтирилган пленуми ўз ишини бошлади. Пленумнинг кун тартибига мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар қўйилган.

Самарасиз сиёсат

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси экспортни контроль қилиш тўғрисидаги муддати 30 июнда тугайдиган қонун кучини яна 60 кунга (30 августгача) чўзиш керак деган қарорини қабул қилди ва ўзининг шу қарорини имзолатиш учун президентга юборди. Яқинда сенат ҳам шундай қарор қабул қилган эди.

Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга нисбатан савдо соҳасида ўтказилаётган камситиш сиёсати барбод бўлганлиги Америка жамоатчилигининг тобора кенг доираларига аён бўлиб қолмоқда.

Ақли раso сенаторларнинг бир қанчаси, шу жумладан Фулбрайт, Маски, Мондейль ва бошқа сенаторлар экспортни контроль қилиш тўғрисидаги қонун бутунлай яроқсиз бўлиб қолганлигини айтиб, уни тамомила қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқдалар.



Хайфон қаҳрамон республиканинг иккинчи йирик индустриал маданий марказидир.

Суратда: шаҳарнинг марказий кўчаларидан бўлган Чан Хинг Дао. проспекти.

В. Соболев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

„БИОС-3“ КЕМАСИ УЧИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). 28 июнь. Маҳаллий вақт билан соат 23-10 минутда АҚШ ичига Бонни номли уч яшар маймун солиб қўйилган «Биос-3» космик кемасини Кеннеди бурунидан учирди.

Вазни 1536 фунтдан иборат бўлган бу сунъий йўлдош «Дельта» ракетаси ёрдамида учирилди. Учиш программасига мувофиқ кема Ер атрофидаги орбитада 30 кун айланиб юради ва унинг Ер юзасидан узоқланиши 230 миль чамаси бўлади.

Бу экспериментнинг мақсади узоқ давом этган вазнсизлик шароитида жонли мавжудотнинг аҳволи қандай кечиши ҳамда космик муҳитнинг жонли организмларнинг фаолиятига узоқ давом этган учиш шароитида қандай таъсир ўтказиши тўғрисида илмий ва медицина маълумотлари тўплашдан иборат.

Илмий программа ўтказиб бўлинганидан кейин космик кемани Тинч океан районида, Гавайя ороллари яқинида сувга қўндириш планлаштириб қўйилди.

Антидемократик ҳукм

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. (ТАСС). Бразилия студентларининг раҳбари Владимир Палмейра икки ярим йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. «Коррейо де Манья» газетасининг хабар қилишича, ҳарбий денгиз флоти трибунали шундай ҳукм чиқарган. Палмейра студентларнинг намойишларини ташкил қилганлиги ва уларда қатнашганлиги учун ҳукм қилинди, деб ёзади газета.

Бразилияда студентларнинг намойишлари мамлакатлар маориф системасини ислоҳ қилишни, маориф ишига ажратиладиган маблағлар кўпайтирилишини ҳамда демократик эркинликлар тикланишини талаб қилувчи оммавий намойишларга айланиб кетди.

Совет машина-ускуналари келтирилмоқда

БЕЛГРАД. (ТАСС). «Жердап» гидроэнергетика объектининг қурилиш майдонига биринчи турбина учун Совет Иттифоқидан машина - ускуналар етиб кела бошлади. Қурилиш директори Танюг мухбири билан суҳбатда машина ускуналар белгиланган муддатда аниқ деб келтирилганлиги ишларни келаси йилнинг кўкламида электр энергияси олинишини кўзда тутиб ишлаб чиқилган планга мувофиқ давом эттиришга имкон беради, деди.

Синалган йўл

ДОРУССАЛОМ. (АПН мухбири). В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги яқинлашиб келиши муносабати билан маҳаллий матбуот улуғ доҳий ҳаёти ва фаолиятига бағишланган материалларни ўз саҳифаларида тобора кўпроқ босиб чиқармоқда.

Жумладан, ишчиларнинг «Мфоньякази» («Ишчи») номли газетаси «Биз қуллар эмасмиз» деган катта сарлавҳа остида Россия халқлари революцион курашининг Африка халқларининг мустақиллик ва озодлик учун олиб бораётган кураши билан алоқаси ҳақидаги бир ярим саҳифани эгаллаган мақолани босиб чиқарди. Мақоланинг эпиграфига Владимир Ильичнинг ўзларининг қуллар эмас балки озод кишилар бўлиш ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган Жанубий Африка халқларининг кураши ҳақидаги сўзлари ёзилган. Мақола мустақил ривожланаётган ёш Африка давлатларининг тажрибасини таҳлил қилиб, бу тажриба қитъа халқларини улар олдида турган энг қизғин масалаларни Ленин кўрсатган, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар практикасида синаб кўрилган йўлдан боришгина ҳал этиши мумкинлигига ишонтирмоқда, деган хулоса чиқаради. Мақолада социал-иқтисодий қолоқликни йўқотиш, миллий масалани ҳал қилиш ва маданий қайта қурилишларни амалга оширишдаги ленинча назария ва практика ривожланаётган мамлакатлар учун ҳаяжонлантирувчи намуна эканлиги; социализмга ўтишнинг специфик формалари ҳақидаги ленинча таълимот капитализмсиз ривожланиш йўлларя ҳақидаги назария Африка халқлари учун катта аҳамиятга эга эканлиги қайд қилиб кўрсатилади. Айни Ленин, деб қайд қилади газета, халқларнинг миллий озодлик учун олиб бораётган курашининг халқаро аҳамиятини кўрсатиб берди. Бу кураш синфий характерга эга бўлди, шу сабабли кейинги вақтларда Африка мамлакатларидаги аҳолининг кенг табақалари ўртасида янги турмуш қуришда бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлган ленинизмга мойиллик ошиб бормоқда.

Танзания жамоатчилиги улуғ доҳий ҳаёти ва фаолиятига тобора кўпроқ қизиқмоқда. Яқинда СССР ваколатхонасида суҳбатлар ташкил қилинган «Ленин октябрда» ва «Ленин 1918 йилда» фильмларни кўрсатилди. Бунда касаба союз вакиллари, министрлик ходимлари, Африка мамлакатларининг Танзаниядаги элчилари қатнашди. «Ленин Октябрда» фильми ТАНУ партиясининг партия мактабида ҳам кўрсатилди. Ҳар иккала фильм томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди ва олқишлар билан бўлиниб турди.

Э. РЯБЦОВ.

ТАНАФФУСДАН СЎНГ

ФУТБОЛ

9 август — Бутуниттифоқ Физкультурачилар байрами куни В. И. Ленин номидаги марказий стадионнинг ёшил майдонига СССР Кубоги ўйинларининг финалчилари тушадилар. Ҳозирча финалда қатнашадиган командалар номаълум. Бироқ СССР Кубогининг нимчорак финалига чиққан коллективлар ўтган ҳафтада бир-бирлари билан беллашдилар. Шу боисдан мамлакат чемпионати мусобақаларида қисқа муддатли танаффус эълон қилинди. Ана шу танаффус даврида мамлакат чемпионлари — Киев динамочилари Қарағанданинг «Шахтёр», «Зенит» Москванинг «Торпедо», пойтахт динамочилари Владивостокнинг «Луч», Марказий Армия спорт клуби эса Житомирнинг «Автомобилист» командаларини қабул қилдилар. Шундай қилиб, чорак финалда қатнашадиган командаларнинг номлари аниқланди.

Киев футболчилари бу йил икки фронтда — узоқ бирнчилик, ҳам кубок мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, СССР Кубогини олишга иштиёқманд эканлигини амалда исботлаётирлар. Утган йили фахрли совринни қўлга киритган Москва автозаводчиларн ҳам ўзгалар майдонида — Тошкентда «Пахтакор» ва Ленинградда «Зенит» устидан галаба қозониб, СССР Кубогини бу йил ҳам қўлга киритиш ниятида эканлигини кўрсатдн.

СССР Кубоги ўйинларн сабабли эълон қилинган танаффус тугаб, командалар бирнчилик учун яна мусобақаларни бошлаб юбордилар.

Москванинг «Локомотив» футболчилари Кутаисн автозаводчилари билан ўтган кунн учрашнб 16-тур ўйинларини бошлаб юбордилар. Кеча эса Москва ва Ленинград шаҳарларида икки ўйин ўтказилдн. Москва динамочилари киевлик клуб-дошларини қабул қилдилар. Донецк кончилари эса «Зенит»нинг меҳмонн бўлдн. Бу ўйин натижаларн футбол мухлисларига маълум.

Бугун эса Москвада Тошкентнинг «Пахтакор» командаси иккинчи группа карвонбошисн пойтахт «Спартак» командаси билан учрашади. Командамиз учун бугунги ўйин принципиаль аҳамиятга эгадир. Чунки, «Пахтакор» кучли еттиликка киришн учун қолган 3 учрашувда 2-3 очко олиши керак. Футбол мутахассислари, шарҳловчиларнинг фикри ана шундай. Шу сабабли ҳам ўзбек чарм тўп усталари қолган ўйинларни зўр уюшқоқлик билан ўтказишлари керак.

Тўғрисини айтиш керакки, «Пахтакор» мухлислари командаларининг Тошкентдаги кейинги 3 учрашувидан қаноатланмадилар. Уч очко «Пахтакор» рақибларига инъом этилди. Ишқибозларнинг режалари чиппакка чиқиб, энди бошлари анча қотиб қолди. Чунки, командаининг эндиги муваффақиятсизлиги унга жуда қимматга тушиши мумкин. Қозогистонлик футбол шинавандаларининг ҳам ташвиши катта. Чунки, «Қайрат» ҳам худди «Пахтакор» сингари ўзгалар майдонида қолган уч ўйинни ўтказади.

«Пахтакор» яқин-яқинларгача Москванинг «Спартак» командаси учун энг «ноқулай» команда бўлиб келган эди. Бироқ, кейинги икки йил ичида бу «ноқулайлик» йўқолабошлади. Командамиз ўтган йили Москвада спартакчиларга 0:4 ҳисобида ютқазиб, Тошкентдаги ўйинни дуранг натижа билан якунлаган эди. Бу мавсумдаги ўйин да ҳам бахт «Спартак»ка кулиб боқди. Ана шуларнинг ҳаммаси «Пахтакор»дан бугунги учрашувни жуда уюшқоқлик билан ўтказишни тақозо этади.

Шундай қилиб пахтакорчиларга бугунги ўйинда омад тилаймиз.



Тўп учун кураш.
Н. Надеждин фотоси.

БИР ХИЛ ҲИСОБ БИЛАН

30 июнда Москвада икки футбол учрашуви бўлиб ўтди. Улардан бири СССР кубоги, иккинчиси мамлакат биринчилиги учун. Иккала учрашув ҳам бир хил ҳисоб — 1:0 билан тугади.

«Динамо» стадионида кубок учун чорак финалда қатнашувчи сўнгги команда аниқланди. Учрашувнинг 167-минутида (аввалги кунги 120 минут ўйин натижасиз тугаган эди) Э. Абдурахмовнинг «Автомобилист» (Житомир) дарвозасига киритган ягона тўпи пойтахт армиячиларини чорак финалга олиб чиқди.

Мамлакат биринчилигининг 16-турида ўз майдонида «Торпедо» (Кутаиси) командасини қабул қилган пойтахт темирйўлчилари яна мағлубиятга учрадилар. Учрашувнинг 43-минутида Бликов киритган тўп меҳмонларга галаба келтирди.

Реклама ва эълонлар

РАДИО

2 ИЮЛЬ

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Ильич юбилейига нашр этилган асарлар» (русча). 18.10 Монголия қўшиқлари ва куйлари. 18.40 Спорт эшиттириши (русча). 19.20 Қозоқ куйлари. 20.00 «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали. 20.30 Р. Ҳамроев Фортепьяно ва оркестр учун поэма-концерт. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (Ўзбекча). 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.20 Тожик куйлари. 22.40 «Шеърият кечаси» (Ўзбекча) 23.15 Куйлар. 23.30 ФУТБОЛ. «СПАРТАК» (Москва) — «ПАХТАКОР». Москвадан олиб эшиттирилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Республика композиторларининг хор асарлари. 19.30 Ўзбек совет адабиёти усталари Мақсуд Шайхзода (русча). 20.20 Эш ижрочилар концерти (тожикча). 20.30 «Жўрабек Муродов куйлайди» деган концерт-очерк. 21.00 Уч монгол ёзувчиси ҳақида ҳикоя (Ўзбекча). 21.40 Москва.

3 ИЮЛЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 7.40 «Ялла» концерти. 7.55 «Саломатлик — туман бойлик» (Ўзбекча) 8.25 Тинчлик ва дўстлик қўшиқлари. 9.30 Дутор тароналари. 10.30 «Музика танқидчиси В. Ф. Одоевский» (Ўзбекча). 11.15 «Аҳолига — граждан мудофааси ҳақида» (Ўзбекча). 11.30 Экран куйлари. 13.30 Шопен ва Раҳманиновнинг фортепьяно куйлари. 16.10 «Қўшиқчи шоир С. Алимов» (русча). 16.50 «Правда» газетасининг обзори. 17.00 Симфоник куйлар.

18.00 «Мақсадимиз — автоматлаштириш» деган эшиттириш (Ўзбекча). 18.10 А. Отажонов Чанг ва оркестр учун концерт. 19.20 Татар композиторларининг куйлари. 20.00 «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси. 20.40 Ватанпарварлик қўшиқлари (Ўзбекча). 21.00 «Коммунизм — давримиз байроғи» деган суҳбат (Ўзбекча). 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.20 Куйлардан-куйларга. 22.40 В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар. 23.15 Мақом кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Совет ва чет эл эстрада артистларининг концерти. 9.15 Реклама ва эълонлар.

19.00 И. Кўргузов. «Ўзбек фарзандларининг жасорати» деган очерк (Ўзбекча). 19.30 С. Прокофьев асарларидан концерт. 20.00 Аминзода ва Аисорий шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 20.30 Д. Зокиров. «Ленин даҳоси билан» кантатаси. 21.00 «Янги ҳикоялар». Қ. Мақсумов. «Унутилмас кунлар» (Ўзбекча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 «Кичик шаҳзода». Сент-Экзюпери повести асосида радиоинсценировка. 14.30 А. Холминов: «Анна Снегина» операси. 16.00 «Алангали йиллар қўшиқлари» (Ўзбекча).

ТЕЛЕВИЗОР

2 ИЮЛЬ

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Ўзбек ва рус тилларида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 19.00 Пойтахтимиз меҳмонлари. Ширин Рамазонова ва Отамурод Бекжонов.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Актуал ижтимоий проблемалар. 20.30 Рангли телевидение программаси. 21.30 Интервидение «Ленин яшаган жойларда» 22.00 Калейдоскоп. 22.30 СССР да Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. «Ҳаёт-момот учун». Кўп серияли телевизион бадиий фильмининг иккинчи серияси. 23.30 «Вақт» информацион программаси. 00.15 Москва кўрсатишларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 18.35 Болалар учун. «В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар». 18.55 Ленинча меҳнат вахтасида.

Рус тилида: 19.15 «Дарё қароқчилари». Кинофильм 19.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Қишлоқ ёшлари клуби. 20.05 «Ҳаворанг хона». Телефильм

Ўзбек тилида: 20.35 Ўзбекистонда Монголия Халқ Республикаси кунлари. «Тинчлик ва меҳнат куйчиси». 20.50 Реклама 20.55 «Ота». Телефильм. 21.20 Охунбобоев номидаги Маданият уйи татар бадиий ҳаваскорларининг концерти 22.00 «Унутилмас баҳор». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 20.00 «Қуёш шаҳри». Ҳужжатли фильм.

Рус тилида: 20.20 «Ҳаётнинг мақсади» Бадиий фильм 21.45 Фильм-концерт. 22.10 «Болалар». Илмий-оммабоп фильм 22.20 «Маэстро». Телефильм.

3 ИЮЛЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Телевизион янгиликлар. 18.50 Болалар учун кўғирчоқ фильм. 19.10 Пойтахтимиз меҳмонлари. Концерт. 20.15 Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 20.25 Телевизион янгиликлар 20.40 Олимлар — пахтакорларга. 21.00 «Пропагандист» тележурнали. 21.30 Новеллалар телевизион театри В. Багашов «Жеймс Бонднинг тугалиши». Г. Слезар. «Ота ва қиз».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.30 Рангли телевидение программаси. Футбол бўйича СССР биринчилиги. «Торпедо» (Москва) — «Динамо» (Тбилиси). Танаффус вақтида янгиликлар 00.15 СССР-да Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. Рангли телевидение программаси. «Бўйдоқлар клуби». Бадиий фильм. 01.45 Янгиликлар, шарҳлашлар, кўрсатувлар программаси. 02.00 Москва кўрсатишларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 Янгиликлар. 13.15 «Ленин яшаган жойларда». 13.45 Қишлоқ саҳифасида 14.40 Телеспектакль. 16.00 «Фанга йўл» Усмирлар учун эшиттириш. 16.45 Москва кундузги кўрсатишларининг охири.

18.00 Дўстлик экрани (Олмаотадан)

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19-55 Кўрсатишлар программаси. 20.00 Янгиликлар. 20.15 Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун. 20.30 Камер куйлардан концерт. 21.00 «Багратион» операцияси». Белоруссия немис-фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган эшиттириш 21.20 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленининг «Демократик революцияда социал демократиянинг икки тактикаси» асари. 22.00 «Вақт» информацион программаси.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида 22.30 «Фотима». Бадиий фильм

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Фрунзе телестудиясининг кўрсатувлари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/VII да **Мудҳиш айдном**а, 3/VII да **Бой ила хизматчи**, 4/VII да **Аяжонларим**, 5/VII да **Мария Стюарт**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА (ёзги бинода) — **Оғаҳий номли Хоразм область музикали драма ва комедия театрининг гастроллари**, 2 VII да **Катта концерт**, 3/VII да **Ғурбатда ғариб-Махтумқули**.

Кино

2 ИЮЛДА

Серафим Фролов севгиси — «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Париж — Варшава визасиз — «МОСКВА», «ЧАЙКА» (кечқурун).

Занжирбанд орол — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ НОМЛИ (кечқурун).

Героин — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Ака-ука Сароянлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Розмари исмли қиз — ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

Париж — Варшава визасиз — «ФЕСТИВАЛЬ».

Серафим Фролов севгиси — «ХИВА».

3 ИЮЛДА

ҚИШҚИ БИНОДА

Серафим Фролов севгиси — «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Париж — Варшава визасиз — «МОСКВА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Тўй кунида — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Занжирбанд орол — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Ака-ука Сароянлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Париж — Варшава визасиз — «ФЕСТИВАЛЬ».

Серафим Фролов севгиси — «ХИВА»

Розмари исмли қиз — ТЕЛЬМАН номли.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

6—7 ИЮЛДА

ЁЗГИ БИНОДА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳ. ҒУЛОМ асари

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. ЛЕВИЕВ музикаси

«АЖАБ САВДОЛАР»

3 пардали музикали комедия

Постановкачи режиссёр — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Р. ҲАМРОЕВ

Режиссёр — ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Р. ШОКИРОВ

Дирижёрлар — Н. ХАЛИЛОВ, Э. ТОШМАТОВ.

Рассом — ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. ВИЗЕЛЬ.

Балетмейстер — О. НАЗРУЛЛАЕВ.

Концертмейстерлар — А. МАЛИНА, М. ФУРМАН.

Хормейстер — А. ҲАМИДОВ.

Режиссёр ассистенти — Р. МУҲИТДИНОВА.

Кеч соат 8 яримда бошланади.

Касса кундуз соат 12 дан очик.

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ
эрталаб 9 дан кеч соат 9 гача
ИШЛАЙДИ

КИЕВ 3-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ПОЕЗДИ
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар 5 июлгача қабул қилинади
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Татов кўчаси, 2 уй.

«СПЕЦЭЛЕВАТОРМЕЛЬСТРОЙ»
ТРЕСТИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ КОНТОРАСИ
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар 27 июлгача қуйидаги адресда қабул қилинади. Тошкент шаҳар, Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 41 уй. Телефон №3-3-50-79.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
5 июль эрталаб соат 9 дан 12 гача
«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ ЎТКАЗАДИ
Институт билан танишиш учун ўрта мактабларни тамомлаганлар таклиф қилинадилар.

5-ТАКСОМОТОР ПАРКИГА
ҳисоб ва моддий бўлимлар бухгалтерлари, машинистка
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви. «Ц»-квартал, Қатортол кўчаси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ БОШ ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ «ЎЗГЛАВРАЗНОСНАБСБИТ»
Тошкент шаҳрида маданий маиший ва хўжалик моллари парфюмер, косметик моллар, ҳамда мотоцикл, велосипед ва мураккаб маиший техника запас қисмлари билан савдо қилувчи махсуслаштирилган майда улгуржи
«ХОЗКУЛЬТТОВАРЫ»
МАГАЗИНИНИ ОЧДИ
Магазин корхона ва ташкилотларга пул ўтказиш йўли билан савдо қилади.
Магазинимизга марҳамат қилинг!
Магазин адреси: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, 1-квартал, Гагарин кўчаси, 40-уй (6, 23 автобусларнинг «Гагарин кўчаси» бекати).

ТОШКЕНТ ХЛАДКОМБИНАТИГА
шофер-экспедиторлар, бухгалтер, трактор ҳайдовчи, инженер ёки техник чўрувчи, вафель стаканчаларни епиш бўйича ишчи аёллар, ювчилар, слесарь-наладчилар
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Воровский кўчаси, 6 уй (5, 7, 12, 26 автобусларининг «1-Винзавод» ва 1, 3, 16 автобусларининг «Фирсьская» бекатлари). Телефонлар: 6-6-24-05, 6-6-24-07, 6-6-24-09.

КИРОВ НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
5 июль кеч соат 9 да
«МЕҲНАТГА ШОН-ШАРАФЛАР»
БАЙРАМИ
ЎТКАЗИЛАДИ
Кириш бепул.

ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА
„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ“
газетасининг эълонлар бўлими ҳар турли эълонларни қабул қилади
Шу жумладан ишга таклиф, конкурслар, диссертация ёклаш ҳақида, таъзия, қар хил буюмларни сотиш (уйлар, коналар, мебеллар, гуллар в. б) штамп, думалоқ печатлар, втулкли аттестатларни, дипломлари йўқолганлиги тўғрисида.
Қабул қилинган эълонлар бир ҳафталик муддатда босиб чиқарилади.
Эълонлар якшанба кундан бошқа қар куни кундуз соат 2 дан 4 гача қабул қилинади.
АДРЕС: Тошкент шаҳар «Правда Востока» кўчаси 26-уй, 1-қават.

Октябрь район Халқ маориф бўлими, район касаба союз ташкилоти ва Ҳамза номли Музика мактабининг педагогика коллективи шу мактабнинг директори В. Ҳошимовга рафиқаси
Каромат ҲОШИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Азиз Несин

Ғаройиб болалар



Мана, кўрдингми, Зайнаб, нафаси ўткир одамлар гапирганда йиғламай ҳеч иложи йўқ. Агар ўша машҳур журналист мактабга қайта келиб қолгудай бўлса, ана кўз ёшлар тўкилиши турган гап.

Хўп, омон бўл. Хатингни кутаман.

Аҳмад ТАРБАЙ.

НОИТТИФОҚ МАКТАБ ВА ОИЛА

Анқара,
24 январь, 1964 й.

Дўстим Аҳмад.

Ҳозиргина 20 январда ёзган хатингни олдим. Кеча укол қилдирган эдим, шунинг учун бугун ўқишга бормадим. Хатингни ўқиб туриб, қаттиқ кулиб юборган эканман, ойим:

— Бекордан бекорга нега куласан, қизим? — деб ҳайрон бўлди.

Сендан хат келганини айтдим.

— Нима деб ёзибди ўртоғинг?

Ёзганларингни ойимга ҳам ўқиб бердим. Роса яйраб кулди.

Сенга мен «Мактаб ва оила иттифоқи»нинг бир мажлисини гапириб бермоқчи бўлиб юрган эдим. Мана бугун шунга имкон туғилди, вақт жуда бемалол. Укол сал оғриб, иситма чиқариб турибди-ю, лекин чидасе бўлади.

Яқинда мактабда ота-оналар мажлиси бўлди. Узи қар ойда бир марта ўтказиб турилади. Бешинчи синфдан беш бола навбатчилик қиладиган бўлдик. Учта қиз ва иккита ўғил бола. Ўша куни мажлисда бўлган ҳамма гапларни ўз қулоғим билан эшитдим. Жуда ғалати гаплар бўлди. Сенга шуларни айтиб бермоқчиман.

Навбатчиларнинг иши мажлис тугагандан кейин меҳмонларга чой, лимонад, печенье улашиб чиқишдан иборат. Шунинг учун бизни ичкари қўйишмади. Коридорга чиқиб турдик. Зал ота-оналар билан лиқ тўлгани учун димиқиб кетди, ахири эшикнинг иккала тавақасини ланг очиб юборишди. Коридорда турибмиз, ҳамма гапларни эшитиб олдик.

Директор жаноблари мажлисда биринчи бўлиб нутқ сўзлади. У нуткини мулойим оҳангда бошлаган бўлса, кейин ўдағайлашга ўтди. Гапининг асосий мазмуни шу бўлди: ота оналар фарзандларини ўз ҳолига ташлаб қўйишган, натижада ҳамма оғирлик мактабга тушяпти. Шуни унутмаслик керакки, мактаб еслида оиланинг ўзидан бошланади. Ота-она уйда болани тергаб туриши, вақтида дарс қилдириши, мактабга келиб, унинг ўқишидан, юриш-туришидан хабар олиб туриши лозим.

Залда пичир-пичир гаплар ўралашиб қолди. Директор мактаб ишларига шўнғиб кетгани учун ўзига вақти қолмаётганидан нолиб гапирди.

— Ўғлим лицейнинг биринчи синфида ўқийди. Шу мактаб ишларидан бўшаб лицейга боролмайман. Ўғлимнинг ўқиш лари қанақа, билмайман. «Бир келиб кетинг» деб кўп хат юборишди, аммо вақт қани бунга... Ишим бошимдан ошиб ётган бўлса...

«Мактаб ва оила иттифоқи»нинг раиси қилиб бир аёл сайланган. Директордан кейин у ота-оналарга сўз берди. Ўтирганлардан бири минбарга чиқди. Бу одам ўқувчилар она тилларини яхши билмайдилар, деб шикоят қилди.

— Асло мумкин ёўлмайди, афандим. Франциуз тили бўлганида гўрга эди, нега бўш сабоқ олишини билмасдим. Балки тўғри бўлажак бу. Аммо лекин она тилидан ёмон ўқиди, мумкин эмас. Адолатсизлик бўлди... Иннайкейин менинг ўғлим бошқа миллат фарзанди бўлди, туркча билмай қолажак. У менинг ўғлим, бинобарин турк фарзанди, шундоқ экан туркча билган шарт. Нега у она тилини билмаяжак? Тилни ёэят зўр ўқитади, демоқчимишман... Лекин ҳар қандай турк боласи керак камида ўрта тилни билади. Ўғлим гапиради, туркча тушунганман, уни онаси тушунди, ўртоқлари тушунажак, демак ўқитувчиси ҳам тушунган керак албатта. Тилдан камида ўрта баҳо олган керак.

— Кечирасиз, гапингизга тушунолмадим, — луқма ташлади синф ўқитувчиси. —Ўғлингиз турк бўлгани ва турк тили унга она тили бўлгани учун бу фандан камида ўрта баҳо олиши керак, демоқчимисиз?

— Ҳа, тўғри, шуни гапирганим. Ўғлимнинг гапига қамма тушунади, ўқитувчиси ҳам тушунган лозим...

— Демак, ўғлингизнинг гапига тушунар экансиз-да?

— Ҳа, албатта

— Ўғлингиз ҳам сизни тушунадими?

— Тушунди бўлиши керак.

Залда ғала-ғовур бошланди. Директор уни гинчитиб, жойига ўтказиб қўйди.

Оталардан яна бири сўзга чиқди. У гоҳ пайтлари ўғли айрим нарсаларни сўраб қолганида жавоб беролмай қийналишини гапирди.

— Унинг сўраган нарсасини мен нега билмайман, афандим? Нима учун билмаслигим керак?!

Шунга ҳам хуноб бўладими, деб турган эдим, сабаби бошқа ёкда экан.

— Мен билмаган нарсани ёш бола қандоқ тушуниши мумкин? Мутлақо ўзлаштиролмайди. Аслида ўзим лицейни битирганман. Бошланғич мактабда ўқийдиган ўғлимнинг саволига баъзан жавоб беролмай қоламан-а. Шу тўғрими ахир? Фарзандларимиз гўдак қали, программани сал енгилроқ тузиш керак. Миясини ачитишнинг нима кераги бор?!

Бошқа бир жувон унга қарши гапирди. Бу жувон ўқувчиларнинг билими саёз бўлиб кетаётганидан, улар кўп нарсани билмаслигидан шикоят қилди.

(Давоми бор)

Газетанинг келгуси сони 4 июлда чиқади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

ТОШКЕНТ — ЧОРЖЎЙ

Туркманистонлик шахматчиларнинг таклифига биноан ҳамшаҳар шахматчиларимиздан бир группаси Чоржўйда бўлишди. Шаҳар чемпиони Одил Сиддиқов, мастерликка номзодлар Омон Шамсиев, Ахрор Султонов ва бошқалар Тошкент-Чоржўй матчида маҳорат билан ўйнаб, мезбонларини 9,5:2,5 ҳисобида ютишди.

Навбатдаги жавоб матчи Тошкентда ўтказилади.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар — 33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари — 33-27-03, ахборот бўлими — 33-65-57, эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2791. Р. 11178. Индекс 64579